

Американинг мис қироли



13:30 / 29.07.2021 2037

Сер Алфред Честер Битти мис савдосидаги улкан бойлиги билан мис қироли сифатида танилган. У Ўрта Шарқда кўп саёҳат қилган ва ислом санъатини йиғишга қизиққан.

Европадаги ислом санъати қитъадаги Ислом тарихи туфайли юқори мавқега эга ва кўплаб Европа музейларида Ислом тарихи ва цивилизацияси билан боғлиқ асарлари билан машҳурдир.

Ғарбий Европадаги энг муҳим музейлардан бири Ирландиянинг пойтахти Дублинда жойлашган. Бу мамлакатдаги энг йирик музейлардан бири Честер Битти кутубхонасидир. Ушбу кутубхона 1950 йилда ташкил этилган. Музей сер Алфред Честер Битти томонидан тўпланган санъат коллекциясини сақлаш учун яратилган.

Сер Алфред Честер Битти (1875-1968) Нью-Йоркда туғилган ва бутун ҳаётини Американинг энг йирик кончиларидан бири сифатида ўтказган. Келиб чиқиши ирландиялик бўлишига қарамай, АҚШ фуқароси ва кейинчалик 1933 йилда Буюк Британия фуқароси бўлган. У Колумбия университетиде ўқиган ва мис савдоси орқали катта бойлиги билан мис қироли сифатида танилган. Ҳаёти давомида Ўрта Шарқда кўп саёҳат қилган ва ислом санъатини йиғишга қизиққан.

Битти таваллудининг 125 йиллигига бағишлаб 2000 йил 7 февралда Дублин қалъасида очилган музей 2002 йилда Европанинг энг яхши музейи деб топилди.

Музей коллекциялари иккита галереяда намойиш этилган: «Муқаддас анъаналар» ва «Китоб санъати». Иккала кўргазмада Эрон, Ислон, Шарқий ва Ғарбий Осиёдаги қўлёзмалар, миниатюра ва босма нашрлар, нодир китоблар ва баъзи декоратив-амалий санъатлар тақдим этилган.

Ҳозирда музейда кўплаб кўргазмалар бўлиб ўтмоқда ва уларнинг аксарияти чет эл муассасалари ва коллекцияларидан олинган санъат асарларини намойиш этмоқда. Честер Битти кутубхонасида Эрон ва Ислон давлатларидан 4000 дан ортиқ қўлёзмалар ўрин олган. Уларнинг баъзилари минг ёшдан ошган. Жумладан, Ибн Баваб томонидан хаттотлик билан ёзилган Қуръондир.

Ушбу музейнинг исломий коллекциясида араб, форс, турк асарлари, Қуръон қўлёзмалари ва Ҳиндистонга оид асарлар ҳам бор. Арабча матнларда дин, тарих, ҳуқуқ, тиббиёт, география, математика, астрономия ва тилшуносликка оид рисоалар ҳам мавжуд. Форс тилидаги тўпламда Фирдавсий ва Низомий каби форсийзабон шоирларнинг миниатюралари ва турли қўлёзмалари сақланиб қолган.







Хуршид Маъруф тайёрлади